



TOShKENT HAQIQATI

1928 yil 11 dekabrda asos solingan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТИЗИМЛИ Қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлигини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар:
2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича **Миллий дастур** 1-иловага мувофиқ;
2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича **Миллий дастурни** 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган **комплекс чора-тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб:

бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуksиз иш стажига эга бўлган аёлларга **ҳар ой учун** минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда **Давлат бюджети** маблағлари ҳисобидан **ҳомилдорлик ва туғиш нафақаси тўланади**;

мазкур юридик шахсларнинг ушбу банд иккинчи хатбошида кўрсатилган ходимлар олдидagi мажбуриятлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланган хомилдорлик ва туғиш нафақаси ҳажмида **камайтирилади**.

3. Хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида **2022/2023 ўқув йилидан** бошлаб:

а) олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртки ва кечки таълим шаклида ўқийётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун **7 йил муддатга** **фоизсиз** таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига **Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм** ресурс маблағлари йўналтирилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов) **икки ой муддатда** мазкур кичик бандда назарда тутилган маблағларни ажратиш графигини тижорат банклари кесимида тасдиқласин;

б) давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқийётган **барча хотин-қизларнинг** контракт тўловларини қайтариш шартисиз қўллаш мақсадида, **Давлат бюджетидан ҳар йили камида 200 миллиард сўм** молиялаштирилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **2022 йил 1 сентябрга** қадар давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асо-

сида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг давлат олий таълим муассасалари кесимида рўйхатини шакллантирсин ҳамда **2022 йил 1 октябрга** қадар контракт тўловларини қўллаб берсин;

в) хорижий олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим дастурлари бўйича – **50 нафар**, магистратура таълим дастурлари бўйича – **10 нафар** хотин-қизларга **ҳар йили** “Эл-юрт умиди” **жамғармаси орқали қўшимча грантлар** ажратиб берилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ушбу кичик бандда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун “Эл-юрт умиди” жамғармасига **ҳар йили** Давлат бюджетидан камида **6 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин;

г) **ҳар йили** Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) тавсияларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан **150 нафардан** жами **2 100 нафар** ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз қўллаб берилсин.

Қўмита (З.Б.Махкамова) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов) **икки ой муддатда** мазкур кичик бандда назарда тутилган эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш, уларга тавсиялар бериш ва таълим контрактларини қўллаб бериш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган **500 нафар хотин-қизларни ҳар йили** Қўмита тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ **тўлов-контракт асосида** ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилсин.

Қўмита (З.Б.Махкамова), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов) ҳамда Давлат тест маркази (М.М.Каримов) **бир ой муддатда** мазкур кичик бандда назарда тутилган алоҳида квоталарни давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш, хотин-қизларга тавсиялар бериш, алоҳида тест синовларини ўтказиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

е) давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари **докторантурасига** хотин-қизлар учун **ҳар йили камида 300 тадан** мақсадли квота ажратиб берилсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахманов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов) **икки ой муддатда** хотин-қизлар учун мазкур кичик бандда назарда тутилган мақсадли квоталар давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари кесимида тасдиқланишини таъминласин.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ЭКСПОРТЁР КОРХОНАЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш Бугуннинг муҳим эҳтиёжи

Очиқ мулоқот



Тошкент вилояти ҳокимлигида ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан очиқ мулоқот ташкил этилди.



Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев раислигида ўтказилган мулоқотда тегишли бошқарма ва ташкилотлар мутасаддилари томонидан туман ва шаҳарларда фаолият юритаётган 200 га яқин экспортёр тадбиркор ва ишбилармонларнинг муаммолари ўрганилиб, таклифлари тингланди.

3

Тадбиркорлик

Бир пайтлар дўкондан қандай маҳсулот олсангиз ҳам, рангпар қалин қоғозга ўра бериларди. Ҳозир ҳаётимизга янги бир тадбиркорлик кириб келди. Бу, дўконлардаги маҳсулотларнинг бежирим ва ранг-баранг қадоқларида намоён бўлди. Вилоятимизда ҳам тадбиркорликнинг бу тури бора ривожланиб бормоқда. Савдо дўконлари, турли тадбиркорлик йўналишларида қадоқлаш пакетларига эҳтиёж ортиб бормоқда.

ЎЗИДАН ҲАМ ҚАДОҒИ ЧИРОЙЛИ



Куйи Чирчиқ туманида фаолият юритадиган “Tong da” корхонаси бугунги кунда савдо ходимлари ва тадбиркорларнинг энг яқин кўмакчисига айланган. Корхона 2019 йилда хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда очилган бўлиб, турли шакл ва ўлчамдаги маҳсулотларни қадоқлаш учун пакетлар тайёрлаш билан шуғулланади.

Жараён дастлаб хом ашёни эритишдан бошланади. Эриган гранулалар прессланиб,

юпқа плёнка ҳолига келтирилади. Бошқа бир дастгоҳда ранг берилди. Кейин улар бирлаштирилиб, устидан ламинация қилинади. Биз учун оддий кўринган қадоқлаш пакетлари ана шундай жараёнлардан ўтади.

Корхона фаолияти билан бизни таништираётган иш бошқарувчи Феруза Баровани телефонини тинмади. У кўнғирокларга жавоб берадиган, бир ўзбек, бир рус, бир хитой тилида гаплашди.

3



Офарин!

Этирофга
сазovorлик
саодати

Президентимизнинг 2022 йил 5 мартдаги “Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаолият юрсатаётган 28 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Вилоятимизнинг икки нафар иқтидорли қизи ҳам шу нуфузли мукофотга лойиқ кўрилди. Эътиборингизга Зулфияноним қизларининг дил изҳорларини ҳавола этамиз.

(Давоми 4-саҳифада) ▶

ҒАЛЛА АГРОТЕХНИКАСИ: ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ХИРМОН УЯДИ

Вилоятда 2022 йил ҳосили учун 2 минг 365 та фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жами 103 минг 845 гектар сувли майдонларга бошоқли дон экинлари экилган. Шундан 32 минг 384 гектари очиқ майдонлар, 71 минг 461 гектари ғуза қаторлари орасига тўғри келади. Шу кунларда 103 минг 845 гектар майдонидаги ғалла тўлиқ туллаш жараёнида.



Бугунги кун ҳолатига бир кунда 873 гектар, мавсум бошидан 101 минг 132 гектар майдонда баҳорчи озиклантириш амалга оширилган. Гектарига 200 килограмдан азотли ўғит берилмоқда.

Бардан озиклантириш (супсензия) билан ишлов бериш ишлари амалда 75 минг 301 гектар (72,5 фоиз) майдонда ташкил этилган.

Маҳаллий ўғит жамғариш февраль ойида ҳар гектарига 3 тоннадан 311 минг 535 тонна режалаштирилиб, шу кунгача 9 минг 835 тонна, мавсум бошидан 171 минг 993 тоннага етган. Шунингдек, 8 минг 295 тонна минерал ўғитлар захираси яратилган.

Жойларда ғаллани озиклантириш билан боғлиқ ишлар белгиланган режа асосида давом этмоқда.

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

НУРАФШОН шахри

22 та маҳалладан тайинланган ҳоким ёрдамчиларига шаҳар ҳокими М. Салиев компьютер жамланмаларини топширди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сўз олганлар ҳоким ёрдамчиси лавозими қанчалик масъулиятли экани ҳақида ўз фикрларини билдириб, амалга оширилиши керак бўлган муҳим вазифалар борасида келишиб олишди.



БЕКОБОД шахри

сектор раҳбарлари қирғизистонлик инвестор “Бекабод огнеупор” қўшма корхонаси бош директори Владимир Бугаенко билан учрашди.

Унда қўшма корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган ўтга чидамли фишлар, трубкалар, қоринчалар кўздан кечирилди. Шунингдек, янги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан зарур тақлиф, тавсиялар берилди.



БЕКОБОД тумани

нинг марказий ўйингоҳида умумий ўрта таълим мактаблари жамоалари ўртасида “Ёш қўқарувчи” кўриқ-танловининг туман босқичи ташкил этилди. Унда 5 та шарт натижаларига кўра, 24-мактабнинг “Матонат” жамоаси ғолиб бўлди.



БўКА тумани

нуронийлар жамоатчилиги Кенгаши, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари туманда қарилган гаштини суриб келаётган 100 ёшдан ошган нуронийлар ҳолидан хабар олишди. Улар билан самимий суҳбат қуриб, совға-саломлар улашилди.



ОҲАНГАРОН тумани

2-сектор раҳбари И. Қамбаров “Сана” ва “Овжасой” маҳаллаларида истиқомат қилаётган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан учрашув ўтказди. Унда болаларнинг нафақа пулини олиш, соғлигини тиклаш ва бошқа масалалар бўйича муружаатлар юзасидан ташкилот раҳбарларига вазифалар тақсимланди ва ижроси назоратга олинди.




Я Н Г Й Ў Л шахрининг

барча ҳудудларида шаҳар ҳокими бошчилигида “Яшил йиллик” умумий миллий лойиҳаси доирасида корхона-ташқилот ходимлари ҳамда аҳоли иштирокида мева ва манзарали қўчатлар экилиб, яшил майдонлар, экоҳудудлар ташкил этилмоқда.



ЎРТА ЧИРЧИҚ туманидаги

хорижий тилларни чуқурлаштириб ўқитишга имтисошлатирилган 42-давлат умумтаълим мактабига замонавий компьютер жамланмалари топширилди. «FOREV FV-300» русумли 10 дона замонавий компьютер жамланмалари ўқувчиларнинг чет тилларини янада яхши ўзлаштиришларида ёрдам беради.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ИШЛАРНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, “Ўзтўқима-чиликсаноат” уюшмаси ва “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмасининг:

асосан хотин-қизларга дизайн, тўқимачилик, акборот технологиялари, тармоқлар иқтисодиёти, маркетинг ва талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари бўйича таълим берадиган алоҳида университетни; ушбу университет хузурида пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида босқичма-босқич ҳудудий техникумларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошқулов), Қўмита (З.Б.Махкамова), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артиқходжаев) икки ой мuddатда университет фаолиятини йўлга қўйиш, унинг моддий-техника таъминоти ва жойлаштирилиши бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Хотин-қизларни илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахманов):

Қўмита (З.Б.Махкамова) билан биргаликда ҳар йили март ойида амалий инновацион лойиҳалар бўйича “Олима аёл” танловини ўтказиб борсин;

икки ой мuddатда “Бўлажак олими” танлови доирасида “Аёллар бизнеси учун биринчи қадам” танловини ўтказиш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида 10 миллиард сўм ажратилишини таъминласин.

6. Қўмита, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг хотин-қизлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-тадқиқот натижаларини ҳаёtgа татбиқ этиш, стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Қўмита хузурида “Олима аёллар жамияти”ни тузиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Қўмита (З.Б.Махкамова) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бир ой мuddатда “Олима аёллар жамияти”ни ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича Ҳуқумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда “Олима аёллар жамияти”га хотин-қизларни амалда қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш учун Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратилиши назарда тутилсин.

7. 2022 йил 1 июндан бошлаб давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат бюрутмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитишнинг янги тартиби жорий этилсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказлари хузурида малакани баҳолаш марказлари ташкил этилади; малакани баҳолаш марказлари касбий малака талабларини ишлаб чиқади ва салоҳиятли таълим муассасаларига давлат бюрутмасини беради;

Ўқув курсларини тугатган хотин-қизлар билими даражаси малакани баҳолаш марказлари томонидан аниқланади ва шу асосда уларга малака сертификатлари берилади;

малака сертификатини олган хотин-қизларга меҳнат фаолиятини бошлаши учун ўқиш харажатларига тенг миқдорда малакани баҳолаш марказлари томонидан субсидиялар берилади;

малакани баҳолаш марказлари томонидан умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар мактаблари, академик лицей ва коллежларнинг битирувчи синф ўқувчи-қизларини ахборот технологиялари йўналишларида қўшимча курсларда ўқитиш бўйича давлат бюрутмаси берилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М.Холхўжаев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бир ой мuddатда давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат бюрутмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитиш тартибини назарда тутувчи Ҳуқумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга асосан 2022 йилда хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга қўмақлашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланинадиган нодавлат ношароит ташкилотларига 17,1 миллиард сўм миқдоридagi грант маблағлари ажратилганиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қишлоқ жойларидаги аёлларни касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб қилиш ва иш билан таъминлаш лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида 2023 йилдан бошлаб:

ҳар йили нодавлат ташкилотларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 минг баравари миқдоригача грантлар бериш учун Давлат бюджетидан камида 50 миллиард сўм Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига ажратиб борилсин;

Туман (шаҳар) сектор штаблари жойлашган биноларнинг камида биттадан хонасида ўқув курсларини ўтказиш учун зарур шароитлар яратилсин.

9. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларининг реестри (кейинги ўринларда – Реестр) жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М.Холхўжаев):

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгаши билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар туманларда меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойлари рўйхатини шакллантирсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Реестрни шакллантириш ва юритиш тартибини назарда тутувчи Ҳуқумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки, 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

январга қадар Реестрга киритилган ҳудудлардаги умумий ҳодимлар сони камида 10 нафар бўлган ва уларда ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган кичик тадбиркорлик субъектларига:

Реестрга киритилган ҳудудда жойлашган объектлар бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи 50 фоиз имтиёз қўллаган ҳолда ҳисобланади; уларда ишловчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондида ижтимоий солиқ 1 фоизлик ставкада ҳисобланади;

бюджет ташкилотларига йиллик умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 750 бараваригача бўлган маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи берилди; уларга томонидан қўчмас мулк ижарага олинганда 3-иловага мувофиқ имтиёзлар берилди.

10. Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси таркиби тасдиқланганлиги, Олий Мажлис Сенати раиси Т.К.Нарбаева – комиссия раиси ҳамда Бош вазир ўринбосари З.Б.Махкамова ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қ.М.Рафиков – комиссия раиси ўринбосарлари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси (Т.К.Нарбаева) бир ой мuddатда қуйдагиларни назарда тутувчи “Давлат бошқарувда хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури”ни тасдиқласин ва ижрога қаратилишини таъминласин:

а) Давлат бошқаруви академиясида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ҳар йили камида 100 нафар хотин-қизларни ўқитиш;

б) 2024 йил 1 январга қадар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар ҳодимлари орасида хотин-қизларнинг улушини камида 30 фоизга етказиш;

барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталига давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг камида 1 нафар ўринбосарини хотин-қизлар орасидан тайинлаш. Бунда мазкур талаб тегишли ташкилот раҳбари хотин-қизлар орасидан тайинланганда ёки унда фақат бир нафар ўринбосар бўлган тақдирда мажбурий ҳисобланмайди.

11. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида хотин-қизларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун 2022 йилда қўшимча 1 триллион сўм ажратсин.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури координаторлари (С.М.Холхўжаев, А.А.Камалов, Д.Ш.Султанов) 2022 йилда мазкур дастур доирасида ажратиладиган маблағларнинг жами 4 триллион сўм қисми тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истиғини билдирган хотин-қизларга йўналтирилишини таъминласин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафоев) уч ой мuddатда хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришини қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро молия институтларининг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридagi молиявий ресурслари жалб этилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга ажратилаётган субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга оширилади; “Хунарманд” уюшмаси қoшидаги хунармандчилик марказларида камида 40 фоиз тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилади.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М.Холхўжаев), Қўмита (З.Б.Махкамова) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Воитов) икки ой мuddатда қуйдагиларни назарда тутувчи 2022-2024 йилларга мўлжалланган “Бизнес аёллар” дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

тадбиркорлик субъектлари орасида хотин-қизларнинг улушини 40 фоизгача етказиш;

хотин-қизларга ўз томоқасида гул ва мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш, чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик ва асаларичиликни йўлга қўйиш учун 35 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар ажратиш.

15. 2022 йил 1 июндан бошлаб маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари (кейинги ўринларда – марказлар) ташкил қилинсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари марказларни барпо этиш учун ҳар бир маҳалладан 300 квадрат метрга бўлган ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёки бўш турган давлат мулки объектини операция бошқарув ҳуқуқи асосида маҳаллаларга ажратсин;

Марказлар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан барпо этилиши назарда тутилсин;

барпо этилган марказлар маҳаллалар томонидан тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига узоқ мuddатли ижарага берилсин.

16. Хотин-қизларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида:

а) 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилсин;

б) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган, шу жумладан, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган, етим ёки ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни “Халқпарвар” комиссиялари билан келишган ҳолда иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олишга рухсат берилсин;

в) уй-жойга муҳтож, жумладан, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача бўлган қисми “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан 2022 йилдан бошлаб зарур маблағлар ажратиб борилсин;

ушбу бандда кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш учун хотин-қизларга ижтимоий контракт асосида касб ўрганиш, меҳнат қилиш имконига эга бўлса, мустақил ёки Аҳоли бандлигига қўмақлашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлаштириш бўйича ижтимоий мажбуриятларни юклаш тартиби жорий этилсин.

17. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) бokuвчисини йўқотган хотин-қизларнинг:

фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган ота-оналар бадалидан озод қилинсин;

3 ёшгача бўлган фарзандлари учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига Давлат бюджетидан субсидиялар белгиланган тартибда ажратилсин;

б) тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга рухсат берилсин;

б) кечки сменада хотин-қизлар ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ўз хузурида мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилганда, улардаги тарбиячиларнинг иш ҳақи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин.

Мактабгача таълим вазирлиги (А.В.Шин) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) икки ой мuddатда мазкур банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган компенсация тўловларини амалга ошириш тартибини назарда тутувчи Ҳуқумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Белгилансинки:

алимент тўловчининг бошқа ижро ҳужжатлари бўйича мажбуриятлари мавжуд бўлганда, қарздордан ундирилган маблағлар алимент тўловлари бўйича қарздорлик тўлиқ қопланганда сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва навбатда тақсимланади. Худди шу каби, ижро ҳаракатлари давомида қарздорга солинган жарималар ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари ҳам алимент тўловларидан жорий қарздорлик тўлиқ қопланганда сўнг ундирилади;

алимент мажбуриятларини бажаришдан бўйин тоблаб келаётган ва қидирувга эълон қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий ижро органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириш, шунингдек, давлат оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиёти жорий этилади. Бунда ушбу маблағларда қидирувдаги шахслар ва уларнинг мол-мулки тўғрисида маълумотга эга бўлган фуқароларга мажбурий ижро ва ички ишлар органларига хабар бериш имконияти яратилади.

19. Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов) ва Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев) уч ой мuddатда алимент тўловларини ундириш тизими самарадорлигини ошириш юзасидан қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин. Бунда, шу жумладан, қуйдагилар назарда тутилсин:

а) алимент бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда қарздорлик тўлиқ бартароф этилгунгача қадар: қарздорнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини вақтинча чеклаш;

қарздорга лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга бўлган давлат тўловларини вақтинча кўрсатмаслик;

б) алимент бўйича қарздорлик мавжудлигини никоҳ тузиш учун монелик қиладиган ҳолат сифатида белгилаш.

20. Мажбурий ижро бюроси хузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда “Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилсин ва унга Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 50 миллиард сўм ажратилсин.

Белгилансинки, суд қарори билан алимент тўлаш мажбурияти юклатилган шахслардан белгиланган маблағларни уч ой ичида ундириш имкони бўлмаган ҳолларда “Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси маблағлари алимент тўловлари бўйича шаклланган қарздорликни бир йўла тўлаш учун йўналтирилади ҳамда кейинчалик алимент тўлаш мажбурияти юклатилган қарздордан суд қарорисиз мажбурий тартибда ундириб олинди.

Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) икки ой мuddатда “Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини йўлга қўйиш, жамғарма маблағлари ҳисобидан алимент тўловларидан қарздорлик тўланадиган ҳолатлар ва шахслар топқасини белгилаш тартибини назарда тутувчи Ҳуқумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларга хос бўлган касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш мақсадида:

а) Қўмита (З.Б.Махкамова) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) икки ой мuddатда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган эҳтиёжманд 6 минг нафар хотин-қизлар, реабилитация воситалари билан таъминланишга муҳтож бўлган 10 минг нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизлар рўйхатларини Хотин-қиз-

ларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига тақдим этсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев): Қўмита (З.Б.Махкамова) билан ҳамкорликда 2022 йилда 3 миллион нафар хотин-қизлар онкологик скринингдан ўтказилишини таъминласин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафоев) билан биргаликда 2022-2025 йиллар давомида 227 та туғуруқ комплекси ва 46 та туманлараро перинатал марказларни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг 105 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни жалб қилсин;

в) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) 2022 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар ажратилишини таъминласин:

юқори технологик тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар учун Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига қўшимча – 100 миллиард сўм;

ногиронлиги бўлган хотин-қизларни реабилитация воситалари билан таъминлаш учун Тиббий ва ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига қўшимча – 17 миллиард сўм;

барча туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари таркибидаги “Онко-назорат” (“Сancer – назорат”) аёллар кўрик хоналарини тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий воситалар билан жиҳозлаш учун – 20 миллиард сўм;

9-12 ёшдаги 815 минг нафар ўсмир қизларни одам пилломаси вирусига қарши ҳамда 12 турдаги вакциналар билан эмлаш учун – 200 миллиард сўм.

22. Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов), Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев), Олий суд (К.Ф.Камилов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов) ва Қўмита (З.Б.Махкамова) 2022 йил 1 июнга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордер суд томонидан бир йил мuddатгача берилишини белгилаш;

чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алимент мажбуриятларини бажармаганлик учун судланган ёки маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини чеклаш бўйича мажбурул чораларини қўлламаслик;

аёлни ўз ҳомилисини сунъий равишда туширишга мажбурланганлик учун жавобгарликни қўқайтириш;

яқин қариндоши бўлган хотин-қизга қасддан тан жароҳати етказганлик учун жавобгарликни қўқайтириш;

шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва номусини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш; икки ойдан ортиқ мuddат мобайнида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсин моддий таъминлашдан бўйин товланган шахсга нисбатан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ёки бошқа ишга мажбурий жалб қилиш тартибда маъмурий ҳуқуқ-бузарликка оид жазо турини белгилаш.

23. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Ҳаджаев) Қўмита (З.Б.Махкамова) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллоев) билан биргаликда уч ой мuddатда:

иктидорли қизларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда интеллектуал ва инновацион ташаббусларини ривожлантириш мақсадида “Билим-дон қизлар” телекўрсативи;

турли соҳаларда ютуқларга эришган хотин-қизлар тўғрисида ибo-ҳаё, поклик, сабр-тоқат ва илмга интилиш сингари эзгу қадриятларни тарғиб қилувчи “Аёл муваффақияти” руқнидаги теледастурлар тайёрланиши ҳамда эфирга узатилишини таъминласин.

24. Фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш мақсадида оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларга бериладиган “Ибратли оила” кўкрак нишони таъсис этилсин ва уни 15 май – Халқаро оилалар кунида топшириш тартиби белгилансин.

Қўмита (З.Б.Махкамова) бир ой мuddатда “Ибратли оила” кўкрак нишони тўғрисидаги низоми лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Қўмита (З.Б.Махкамова) икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилиш мақсадида:

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Т.К.Нарбаева – 10-банд;

ЭКСПОРТЁР КОРХОНАЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш Бугуннинг муҳим Эҳтиёжи

Йилгилида ҳозир дунёда бўлаётган мураккаб геосийёсий вазиятдан келиб чиқиб, ҳудудда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харидор топиши, янги бозорлар излаш, божхона логистикасида учраётган муаммоларни бартараф этиш ва қулайлик яратиш каби кўплаб масалаларга эътибор қаратилди. Бунинг учун иштирокчиларга махсус сўровнома тарқатилиб, уларнинг фаолиятида учраётган муаммо ва тақлифлар жамланди.

Мақсад вилоят тадбиркорларидан келиб тушган савол, тақлиф ва ташаббуслар асосида дастур ишлаб чиқиш ва унга мувофиқ, келгусида соҳани янада ривожлантириш, ҳудудда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Мулоқот давомида тадбиркорлардан транспорт коридорларини ривожлантириш, юкларни божхона орқали ўтказишни соддалаштириш, қишлоқ хўжалиги кластерлари, деҳқон хўжаликлари билан ҳамкорликни кучайтириш, корхоналарда электр ва газ таъминотини яхшилаш каби кўплаб тақлифлар билдирилди.

Беш йилдан бери юртимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини хориз давлатларига экспорт қилмоқдамиз, — дейди "Зангиота томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жамшид Абдуллаев. — Мавсумда 50 нафар аҳолининг бандлигини таъминлаймиз. Мамлакатимиз бўйича 25 мингдан зиёд оилалар билан ишлаймиз, уларнинг томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоклаб, хоризга экспорт қиламиз. Сўнги пайтларда қишлоқ хўжалиги экинларига турли ҳашаротлар зарар етказаяётгани маҳсулотлар сифатига салбий таъсир қилляпти. Шу сабабли, мавсумда тармоқ хўжаликлари ва томорқаларда агротехник тадбирларни самарали амалга ошириш зарур. Вилоят ҳокими бу тақлифимни ижобий баҳолаб, махсус ишчи гуруҳ ташкил қилиш, жойларда амалий ишларни бошлаш лозимлиги бўйича масъулларга топшириқ берди.

Тадбирда мундтаб талаб этадиган муаммолар юзасидан тегишли тартибда чоралар белгиланди. Қонуний ечимга эга бўлмаган баъзи масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди.

Жараён

Тошкент вилоятида Президентимизнинг 2022 йил 17 февралдаги «2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, умумхалқ байрамни муносиб нишонлаш, аҳолига чинакам байрамона кайфият бағишлаш борасида катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Вилоят ҳокимлигидан маълум қилишларича, асосий байрам дастурлари Нурафшон шаҳридаги марказий Тошкент йўли кўчаси бўйлаб оммавий сайил тарзида ўтади.

НАВРЎНИНГ ЎЗ МОҲИЯТИ БОР

Марказий кўча бўйлаб жойлашган вилоят бошқарма ва ташкилотлари бинолари олдида, шу билан бирга, вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳрига, олий ўқув юртига аталган, Наврўз шуқуқи ва фалсафасига мос тарзда безалган байрам нуқталари ташкил этилади. Сайил иштирокчиларига муносиб шарт-шароитлар ҳозирланади.

— Наврўз — миллий қадриятларимиз тараннум этиладиган байрам, — деб қайд этди вилоят раҳбари Зоир Мирзаев ташкилий қўмита аъзолари билан мулоқот чоғида. — Барча йўналишлардаги тайёргарлик ишларига мана шу моҳиятдан келиб

чиқиб ёндашиш зарур. Вилоятимизга, туман ва шаҳарларимизга мос ва хос, бироқ, ҳозирда унутилиб кетаётган миллий уйинлар, миллий таомлар, меҳмоннавозлик анъаналари, меҳр-оқибат, саволат, бағрикенглик каби фазилатларимизни кенг миқёсда тарғиб қилишимиз керак. Ҳар бир байрамнинг ўз моҳияти бор. Наврўз сайиллари ўзимизга хос ва мос қадриятларимиз, асрий анъаналаримиз тарғиботи билан уйғун бўлиши керак.

Паркент кўк сомсаси, Қўрай гўжаси, Оҳангарон айрони, Бўстонлик қуртовалари... Умуман, ҳар бир туман ва шаҳар пазандачилик, қан-

долатчилик анъаналарини намойиш этиши, тайёрлаш усулларини жойида кўрсатиши, сайил иштирокчиларига улардан тотиб кўриш ва баҳра олиш имкониятларини яратиш бериши мақсадга мувофиқдир.

Наврўз ўз номи билан янгилашни айёми. У ижодкорларга ҳам янги ва жўшқин ижодий кайфият бағишлайдиган байрам.

Наврўз муносабати билан энг яхши қўшиқлар, шеърлар, фольклор ижрочилиги бўйича танлов ҳам эълон қилиниб, янги ижод намуна-



2022

ларининг муаллифлари ва ижрочиларини муносиб рағбатлантириш бўйича вазифалар белгилаб олинган.

ЎЗИДАН ҲАМ ҚАДОҒИ ЧИРОЙЛИ



— Хитой тилини яхши билмасдим, лекин эҳтиёж сабабли, тез ўрганиб кетдим, — дейди Феруза опа. — Корхонамизнинг номи хитойчадан таржимада "ёруғ йўл" деган маънони англатади.

Бугунги кунда корхонада 30 киши меҳнат қилмоқда. (Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)



Улардан 10 нафари хитойлик мутахассислар. — Корхонада ишлаётганимга икки йил бўлди, — дей-

ди уста Вазира Холмиратова. — Бошида оддий ишчи сифатида иш бошладим. Уддалай оламани, деб чўчигандим.

Нозима РАСУЛОВА /Тошкент ҳақиқати/ Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Назорат

ҲИСОБДОН "АҚЛЛИ", ЁНДОШУВ ЭСА...

Тошкент вилоятида табиий газ назорати ва ҳисобини юрийтишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича ишлар белгиланган тартибда давом эттирилмоқда. Ҳозирга қадар вилоятда 545 минг 750 га яқин хонадонга «ақлли» газ ҳисоблагичлари ўрнатилиб, улар «Биллинггаз» тизими билан боғланган. Мазкур ҳисоблагичлар етказиб берилаётган табиий газни аниқ ҳисоб-китоб қилиб боради ҳамда истеъмолчида асосий қарздорлик юзага келишининг олдини олади. Шунингдек, ҳудуддаги барча хонадонларда табиий газ таъминотини бир меъёрга бўлишни таъминлайди.

Агарда истеъмолчида табиий газдан қарздорлик юзага келса, автоматик равишда дастлаб СМС-хабарнома юборилади. 72 соат давомида қарздорлик бартараф этилмаса, табиий газ таъминоти автоматик тарзда тўхтатилади.

Афсуски, истеъмолчилар орасида қарздорлик бўйича автоматик тарзда табиий газ берилиши тўхтатилганда сўнг, ўзбошимчилик билан электрон газ ҳисоблагичларини ечиб, резина шланг ва қўлбола қувурлар орқали тармоққа улашиб, табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланаётганлар ҳам учрамоқда.

«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали ходимлари томонидан шу каби ҳолатлар бўйича рейд тадбирлари ўтқа-

зилмоқда. Ўрганишлар давомида вилоятдаги 700 дан ортиқ хонадонда «ақлли» газ ҳисоблагични ўзбошимчилик билан олиб қўйиб, тамгаларнинг бузилиш ҳолати аниқланди. Бундай вазиятларда ҳар бир қонунни бузган истеъмолчида ўтган давр учун меъёр асосида қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳолда жарималар қўйилинмоқда.

Жумладан, аниқланган 668 та қоидабузарлик ҳолатлари натижасида истеъмолчиларга 1 миллиард сўмдан ортиқ табиий газ ҳажмлари қайта ҳисоб-китоб қилинган.

Бу билан истеъмолчилар биринчидан қоидабузарликка йўл қўйишмоқда, шу билан бирга ортиқча оворагарчилик-



ка сабабчи бўлмоқдалар. Расмийлаштирилган ҳужжатлар тегишли қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилмоқда.

Хурматли истеъмолчилар, табиий газдан фойдаланишда қоидаларни бузмаслик, ҳисоблаш ускуналаридан тўғри фойдаланиш, ностандарт газ ускуналари ва қўлбола мосламаларни ишлатмаслигини сўраб қоламиз. Зеро, бу билан ўзингни ва яқинларингизнинг ҳаётини таъминлаган бўласиз.

Муҳиддин СУЛАЙМОНОВ, «Худудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали матбуот хизмати раҳбари

Эслаб...

Пискентлик ажойиб инсон, зукко олим ва ёзувчи Адҳам Ҳожи Маматқулов бир кам саксон ёшда вафот этди. Биз у кишини талабчан устоз, ўрни келганда маслақдош, меҳрибон ака сифатида беҳад қадрлар эдик.

Устоз аслида аниқ фанларнинг билимдони бўлса-да, яқин ўн беш йиллар оралиғида адабиётга ҳам ошно бўлди. Бинобарин, бу сермашаққат юмуш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун ижодкорда катта юрак бўлиши керак. Яна муҳими, киндик қони тўкилган

эринмади. Тайёр кўлэмаларини кўз-кўз қилиш учун эмас, ўқувчи аниқ, пухта ва раван ҳолатда тортиқ этиш учун бир қанча таниқли адабиётшунослар, олим ва ёзувчиларнинг маслаҳатларини, фойдали суҳбатларини олишдан ўзида алоҳида завқ туйди.



самимий ҳурмат кўрсатди.

Иқтидорли олим ва ёзувчи Адҳам Маматқуловнинг болалиги Пискентда ўтди. Сўнг Тошкентда ўқиб, оиласи билан пойтахтда яшаб қолди. Бир қатор нуфузли олийгоҳларда дарс берди. Аммо бир зум бўлсада болалиги кечган гўшани, пискентликларни унутмади. Уларнинг қувонч ташвишлари, тақдир қисматлари билан яшади. У ўз орияти, ақди йўлида ҳаммиша собит бўлди. Унинг асарлари осонгина дунё юзини кўрмаган. Бир қарасангиз, Пискентнинг чекка қишлоқларида, кекса қишлоқ билан соатлаб суҳбатлашарди. Бир кўрсангиз, Миллий кутубхонада ҳафталаб керакли китоб ва манбаларни varaқларди. Гоҳо ярим ойлаб кутубхона қироатхонасидан чиқмасди. Орада "Пискент ҳаёти" газетаси таҳлавларини сонма-сон кузатарди.

Дарвоқе, Адҳам ака умри поёнида ҳам ижод қилишдан, изланишдан тўхтамади. У "Пискент гулшани" китоби кўлэмасини нашрга берди. Бундан ташқари, тоғасининг Санкт-Петербургда тўплаган 300 саҳифалик кўлэма асарини тўплаб қилиш тараддудини кўраётганди.

Афсус, кўп ишларига улгуролмади. Аммо устозимиз Адҳам ака ўзидан ёруғ излар қолдириб кетди. Пискентлик юзлаб олим у фозилларни, касб-хунар соҳибларини китоблари саҳифаларига жойлаб кетди. Пискентимизгагина хос бўлган урф-одатларнинг қадрини балан кўтариб кетди.

Адҳам Маматқуловнинг порлоқ хотираси у кишини таниган, билган инсонларнинг қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

Собиржон ИНОМОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

"УМР ДАФТАРИ"НИ БЕЗАГАН ОЛИМ

гўшага, қолаверса, юртига, унда яшаётган инсонларга бекиёс меҳр-муҳаббатли бўлиши лозим.

Адҳам аканинг катта юраги ана шу меҳр-муҳаббатга лиммо-лим эди. Натижада, "Пискент тарихидан лавҳалар", "Гулшани дилафгор", "Пискент баёзи", "Пискентлик шоирлар", "Устозлар", "Болалик кунларимда" китобларини кенг оммага тақдим этди.

Адҳам ака адабиёт оламига, тарихий манбалар қатига кириб бораар экан, билмаганларини сўраб ўрганишдан сира орланмади. Оддий сўз, оддий жумлалар устида соатлаб, ҳатто кунлаб бош қотиришдан, ўзбек тилининг изоҳли луғатларини varaқма varaқ титкилашдан

Унинг 2016 йилда "Мумтоз сўз" нашриётида чоп этилган "Устозлар" китобига адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Азиз Қаюмов сўз боши ёзаётгани шундай жумлаларни келтиради: "Адҳам Маматқулов бу хайрли ишни илҳом билан адо этибди. Бунинг учун унга ташаккур."

Адҳам аканинг 2019 йилда қайта тўлдирилган ҳолда нашр этилган "Дилдаги гаплар" китоби ҳам зиёлиларни бефарқ қолдирмади. Айниқса, шу китобга алоҳида эътибор билан қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирган адабиётшунос олим Омонулла Мадаев шундай луғат қилади: "Дилдаги гаплар" ўзига хос равишда юрдошларимизнинг "Фарзанд-

нома"си бўлибди. Китобда мен икки фазилатнинг гувоҳи бўлдим. Чиройли жиҳат шундаки, бу икки фазилат алоҳида-алоҳида намоён бўлмаган. Балки бир-бирига йўлдош, бир-бирига эш ҳолда, уйғунлашган ҳолда тажрибали муаллиф томонидан фарзандларга тақдим этилади... Бу ёруғ дунёга инсон мақомида келган ҳар бир одам атрофдагиларга яхшилик қилиши кераклиги ўқтирилади."

Адҳам ака китоблари ҳақида ибратли мулоҳазаларини баён этган Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Аҳмадали Аскарқовни, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевларни ўзига чин маънода устоз деб билди. То умрининг поёнига қадар уларга

Эълонлар

**Марказий банк
Тошкент вилояти
Бош бошқармаси
томонидан**

*Чиноз тумани ҳокимлиги
биносида*

**2022 йил 18 март куни
соат 10:30 да**

*жисмоний ва юридик шахслар
вакиллари билан*

**САЙЁР ҚАБУЛ
ЎТКАЗИЛАДИ.**

*Манзил: Чиноз тумани
14-сонли мусиқа мактаби.*

Мўлжал: электр тармоқлари биноси ёнида.

Мурожаат учун телефон:

(+99870) 593-21-35.

«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади!

2022 йил 28 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтadиган очиқ аукцион савдосига «O'zbekiston rangli metall parchalari chiqindilarini tayyorlash va qayta ishlash zavodi» xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatining 09.03.2022 йилдаги №371-01/26-сонли Бюро-туманомасига асосан жамият тасарруфидан бўлган Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, Ю.Х.Промзона МО – 13 қўчаси манзилда умумий 4,8 Га. ер майдонида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 10 558 кв.м.дан иборат қурилиши тугалланмаган бино-иншооти тақридан қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 28 000 000 000 сўм.

Юқоридagi кўчмас мулк 2022 йил 28 март куни соат 11:00 да сотилмаган тақдирда, тақрибий савдолар 2022 йил 12, 27 апрель, 12, 27 май, 13, 28 июнь, 13, 28 июль, 15, 30 август ҳамда 14, 29 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридagi кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истакларини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил катнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил катнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдода иштирок этувчи талабгорлардан буюртмачиларнинг қабул қилиш расмий иш кунлари (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 16:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмачиларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган сандан кейин 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закатат пулини тўлаш учун реквизитлар «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ. АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. Ҳ/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.
Телефон: +998 71 205-83-53.
www.capitaltrust.uz
Лицензия RR – 0298.

Қўрай тумани "ГЭС-Қодирия" маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли муҳр ва штамп йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлимига қарашли Ангрэн шаҳри, Бўстонлик, Оҳангарон, Пискент, Чиноз, Қўрай, Тошкент ҳамда Бекобод туманлари бўлинималарининг 2017 йилда Тошкент вилояти Адлия бошқармасида рўйхатдан ўтказилган Низомлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Этирофга сазворлик саодати



Фериде СЕИТ-АСАН,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университетининг
1-босқич магистранти
(Чирчиқ шаҳри):

– 2022 йил ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифаси бўлиб қолади. Сабаби, кун кеча Зулфия номидаги Давлат мукофоти-га таълим йўналиши бўйича сазвор бўлдим. Айниқса, бу мукофотни муҳтарам Президенти

дентимизнинг қўлларидан олиш менга чексиз шараф ва катта масъулият юклатди.

Ҳозирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистратура бўлимининг лингвистика (инглиз тили) мутахассислиги бўйича 1-босқич талабасиман. Шу билан биргаликда "New time university" университетида бош мутахассис сифатида фаолият юритаман.

Ўқиш ва иш фаолиятим давомида илм-фан йўналиши бўйича қўллаб-қўллаган эришдим. "Чет тилини ўқитиш ва ўрганишни такомиллаштиришда замонавий амалий лингвистика тамойилларини таъбиқ қилиш" номи мавзуда илмий изланишлар олиб бориб, ўқув-методик қўлланма нашр эттирдим. Шунингдек, республикамиздаги 20 та, хорижий давлатларнинг 55 та журналларида жами 70 дан ортиқ илмий мақола ва тезисларим чоп этилди. Сўнгги 3 йил мобайнида 100 дан ортиқ диплом ва сертификатларни қўлга киритдим.

Ўқиб-ўрганишларим натижасида рус, инглиз, испан, немис, корейс ва турк тилларида бемалол мулоқот қила олиш даражасига эришдим. Ютуқларимда ота-онам, жонқуяр устозларимнинг меҳнатлари катта, албатта.

Мен узимни, юртимизнинг энг бахтли ёшларидан бириман, деб фахр билан айта оламан. Негаки, Зулфия-хонимнинг қўл минг сонли қизларидан бири бўлдим.

Менга берилган бу мукофот келгусида янгидан-яңи гоё ва илмий изланишларга руҳлантирди.

Кумуш АБДУСАЛАМОВА,
Тошкент давлат ўзбек
тили ва адабиёти уни-
верситетининг 2-босқич
магистранти (Куйи Чир-
чиқ тумани):



– Зулфияхоним номидаги мукофотга сазвор бўлганимдан жуда бахтиёрман. Очиги, бу мукофотга етишиш ҳар бир қизнинг орзуси. Бу йилги совриндорлар қаторида исми-шарифимни ўқиб, қўларимга қувонч ёшлари келди. Негаки, замонлар ўтса ҳам Зулфияхоним ижоди ва шахсияти миллионлаб қалбларни гўзал туйғуларга, чексиз хурматга ошно этаверади. Мен ҳам Зулфияхоним издоши бўлганимдан фахрланаман.

Мукофотни олар эканман, кўз ўнгимдан ота-онам, устозларимнинг тарбия ва ўғитлари, шунингдек, бу кунга етиб келганимча босиб ўтган йўлим кино тасмасидек ўтди.

2015 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида "Қўйламасам бўлмайди" номи биринчи шеърий тўпламим 20 минг нусхада чоп этилгани кечагидек ёдимда.

2018 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим. 2020 йилда Қозоғистон Республикасида чоп этилган "Жуз ўлен" номи тўпламдан шеърларим жой олди. 2019 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетини тамомладим. Ҳозирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2-босқич магистрантиман.

Тахсил олиш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича масъул ходим сифатида фаолият олиб бормоқдаман.

Мукофот менга янада катта масъулият оқлашини англаб турибман. Келгусида ҳар бир ишим, ҳатто сўзим билан ҳам Президентимиз, давлатимиз билдирган ишонч ва эътиборга лойиқ бўлишга ҳаракат қиламан.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят Маданият бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси, вилоят Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда Тошкент вилояти ҳокими мукофоти учун "Янги Ўзбекистонда янги овозлар" вилоят кўрик-танлови эълон қилинади.



Танлов йўналишлари:

1. Энг яхши миллий маком ижроҳисси;
2. Энг яхши фольклор (лапар, ўлан, жи-ров, оқин, бахшичилик) ижроҳисси;
3. Миллий эстрада йўналишидаги энг яхши кўшиқ ижроҳисси;
4. Кўшиқ учун ёзилган энг яхши шеър;
5. Кўшиқ учун ёзилган энг яхши мусиқа.

Танловда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган маком, миллий эстрада хонандалари ва ҳаваскорлари, фольклор жамоалари ва кахонлари, шоир ва бастакорлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган асарларда она Ватан, баҳор васфи, Наврўз қадриятлари, умуминсоний фазилатлар, меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат туйғулари тараннум этилиши мақсадга мувофиқдир.

Танловнинг энг муҳим шarti – тақдим этиладиган асарлар янги тайёрланган ижод намуналаридан иборат бўлиши керак.

Танлов ғолиблари Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган оммавий сайил тадбирларида эълон қилинади ва мукофотланади.

Танловда бешта йўналиш бўйича ғолибларни куйидаги пул мукофотлари кутмоқда:

1-ўрин учун – 5 миллион сўм;
2-ўрин учун – 3 миллион сўм;
3-ўрин учун – 2 миллион сўм.

Мурожаат учун телефонлар:
99-859-25-11, 97-448-56-57
(муסיқий ва ижроҳисси йўналишлари)
99-484-83-34
(шеърят йўналиши)

Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича биттадан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган. Танловга материаллар 2022 йилнинг 15 мартига-ча (видео, аудио, электрон матн кўринишида) қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
99-859-25-11, 97-448-56-57
(муסיқий ва ижроҳисси йўналишлари)
99-484-83-34
(шеърят йўналиши)

ЁҒОЧИДАН БАРГИГАЧА Фойдали

Якшанба кунини Бўка дехқон бозорига кираверишда жойлашган кўчат растасини ораладим. Одам кўп. Сотувчи ҳам, олувчи ҳам барака кўлини узатаркан, яхши униб-ўссин, мевасидан набираларингиз бахранид бўлсин, каби тилаклар билдиришарди. Ёши етмишини қоралаб қолган отахон эътиборимни тортди. У киши харидорларга 3-4 метрлик кўчатни кўрсатаркан: "Бу бир йиллик ниҳол, суви мўл жойга эксангиз тез етилади", дерди.



дан 750 минг сўмлик павловния кўчатини олиб келувдим. Уларни ўстириб, илдиридан олган қаламчаларини сотиб, икки ярим миллион сўм фойда олдим. Бугун икки нафар шогирдим билан шу дарахнинг кўчат ва қаламчаларини бозорга олиб келдик. Мақсадимиз – бошқалар ҳам кўпроқ экиб, даромад топишсин.

"Бозорингизни берсин", дея отахон билан хайрлашар эканман, томоркамга шу дарахдан эксамикан, деб ўйлаиб қолдим.

Шу баҳона интернетга кириб, айрим маълумотларни ўқидим. Хитой ва Японияда павловниядан ёғоч маҳсулотлари олиш оммалашган экан. Юртимизда унинг "Шанг тон" номиги пибрди нави етиштирилган экан. Узини қайта тиклаш хусусиятига эга дарахт келилган жойидан ўсиб чиқавераркан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, илоҳи борича суви жойга экиш тавсия этилади.

Нигора ҲОЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Муаллиф олган сурат

Туманнинг "Кийикчи" маҳалласида истиқомат қилувчи Толибжон ота Олимов асл дехқонлардан. Еринг тилини болалигидан билади. Яна бир қизиқиши – ноёб ўсимликларни парвариш-лашга иштиёқман.

Павловния дарахти ҳақида ўқиб, ўргандим, – дейди отахон. – 5-6 йилда етиладиган бу дарахт нафақат тез ўсиши билан ажралиб туради, балки чиройли гуллаши, қимматли ёғоч, асал, биомасса маънаби эканлиги билан қадрланади. У манзарали дарахт сифатида истироҳат боғлари, хибонларни безайди.

Павловния илдиридан тез кўпайтириш имкони юқори. Масалан, 10 сотих майдонга 100 та қаламчасини экиш мумкин. Танаси чинорга, бўйи теракка қиёсланадиган бу дарахдан қўллаб соҳаларда хом ашё сифатида фойдаланиш мумкин. Бир ой мобайнида жуда чиройли гуллаб туради. Аллергияни кўзгатмайди. Шунингдек, 70 сантиметргача етадиган барглари чорва учун узукча, шох-шаббасидан биёқилли сифатида фойдаланиш мумкин экан. Энг муҳими, бизнинг маҳаллий шароитта тез мослашади. Утган йили Фарғона вилояти-

СПОРТ янгиликлари

"Ўзбек Тайсони"нинг рақиби ким?

Чарм қўлқоп устамиз Бектемир Мелиқўзиевнинг навбатдаги жанг санаси ва рақиби маълум бўлди. "Ўзбек Тайсони" лақаби билан машҳур бўлган проф боксчи-ми суперўрта вазн тоифасида (8-1, 6КО) навбатдаги жангини 19 март кунини АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Ун рандга мўлжалланган жангда боксчи-мизга канадалик Дэвид Зегаарра (34-7, 21КО) рақиблик қилади.



Шухрат – мутлақ ғолиб!

Техронда тазквандо бўйича "Fajr Open" халқаро мусобақаси давом этмоқда. Турнирда юртимиз тазквандочилари муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Хусусан, 80 кг вазн тоифасидаги беллашувларда ҳамюртимиз Шухрат Салаев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга эга чиқди. У финалда эронлик Муҳаммад Хуссейин Язданини 15:11 ҳисобида мағлуб этди.

Нигора ҲОЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Муаллиф олган сурат

Мағлубиятсиз одимлар

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг 2-турига старт берилди.



Тур доирасида Бекободнинг "Металлург" жамоаси меҳмонда Қаршининг "Насаф" клубига қарши баҳс олиб борди. Қизиқарли кечган учрашув 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

Маълумот учун, "Металлург" жамоаси илк турда "виллоят дерби"сида АГМК клубига қарши майдонга чиқиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозongan эди.

Шу тариқа, бекободликларнинг мағлубиятсиз серияси давом этмоқда. Жамоа сўнгги бор расмий мусобақаларда 2021 йилнинг 5 ноябрь кунини чемпионатнинг ўтган масуули 24-турида Наманганнинг "Навбахор" жамоасига мағлуб бўлганди.

Суҳробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати/
тайёрлади

Шукр қилган...



Бир синфдошим бор эди. Ота-си "катта жой"да ишлар, бадавлат яшашар эди. Маҳаллада биринчи бўлиб телевизор олишган эди. Синфдошим яхши ўқирди. Еттинчи синфни битирган кунини мотоцикли бўлди. Мактабни олтин медал билан тугатди.

Йиллар ўтди. Бир кунини кўришиб қолдик.

– Ишлар қалай? – десам, зарда билан қўл силтади:

– Расво! Домлам ўлгудек мараз!

Номзодлик ишимни чўзиб ётибди.

Йиллар ўтди. Тагин кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Расво! Ўғлим кўп ичади. Кеча яп-янги машинанинг пачағини чиқариб келди!

Йиллар ўтди. Яна кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Расво! Қизимнинг турмуши нотинч. Қайнонаси ёмон. Судлашмоқчиман.

Йиллар ўтди. Синфдошим бетоб деб эшитдим. Шифохонага борсам, ранги бир ҳолатда ётибди.

– Соғлиқ қалай?

– Расво! Қанд касали деган палакат адоий-тамом қилди. Улиб-ўлмайман, тузалиб-тузалмайман!

Тавба, деб гапирай-ку, фаришталар омин деган эканми, узукча бормади, бечора...

Яна бир синфдошим бор эди. Отаси урушдан яримжон бўлиб қайтган, тўқилиб кетай деб турган қулбада туришарди. Яхши ўқирди.

Лекин медалга "илинмади". Йиллар ўтди. Бир кунини кўришиб қолдик.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, яхши! Мебель фабрикасида ишлаялман. Кундузи дурадгорлик қиламан. Кечаси уч кунда бир қоровулман. Яқинда велосипед олдим.

Йиллар ўтди. Тагин кўришдик.



Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Salom SAMADOV

Ozoda PARPIBOYEVA

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Ra'no TURDIBOYEVA

Sergey MUTIN

Zarifa ERALIYEVA

Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(71) 233-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(71) 233-70-10

Mas'ul kotib:
(71) 233-90-82

Bo'lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(71) 233-54-10

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Kumush EGAMBERDIYEVA

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 21.30

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-335.

4 231 nuxxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonada manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6